

Анвар ЖАВЛОНОВ

ТОҒ БУРГУТИ

Хужжатли қисса

«*Yoshlik*» журналы

2010 йил, 8-сон

Бу тоғ бургутини отаси бир пайтлар эканида Михин тепасидаги Қоратошдан полапон ҳолида олиб келган эди. Шу-шу бургут уйда эмин-эркин юрадиган бўлди. Абдурахмон уни аста-секин овга ўргатди. Лочин аввал чумчуқларни овлашни ўрганди, кейин уни Қизилкумда бўрига ҳам солиб кўришди. Бургут бир тепишда бўрининг белини синдириб юборди. Шу-шу тоғ бургути оиланинг бир аъзосига айланди.

Энди Абдурахмон ёвдан халқни озод этмоқ учун курашга чоғланарди. У уйида отасидан қолган тоғ бургутини алоҳида парвариш этарди. Кўпинча бургутни машқ қилдириш учун улоқни сўйиб, олдига ташларди. Бургут ўлжасини қояга кўтариб чиқар ва Кўҳнабозор қишлоғи томон узоқ-узоқлардан қараб-қараб кўяркан, улоқ гўштидан тўйганича ер, ортиғини ўша ерда қолдирар, бироздан сўнг қузғунлар лошнинг қолган-қутгани учун талашишга тушишарди. Бургут баъзан кўкдан улоқни ташлаб юборар, орадан бир оз ўтказиб эса ўзини ўқдек унинг орқасидан отар ва панжаларига илинган улоқни маҳкам чангаллаганча яна қоялар томон учарди.

...Офтоб уфқ томон шошиларди. Бургут тоғ устида чархпалак айлана ясаб, пастлай бошлар, ерга етишига озгина қолганда кўк сари тикка кўтариларди.

Тоғ бургутининг шиддатидан Абдурахмон завқланарди. Бургут ҳавога кўтарилиши билан қора қузғунлар ўзларининг ин-инларига кириб кетарди, қоронғи тушгунча ўлаксахўрлар пана-панада уни зимдан кузатишарди.

* * *

Абдурахмон ўрта бўй, оч сариқ юзли, елкаси кенг, боши узунчоқ, ҳар бир мушти ҳандалакдек, кўзлари ўткир йигит эди. Бу жусса отадан мерос бўлиб, у отадек қўрқмас ва ботир бўлиб ўсганди. Абдурахмон от устида доим тик ўтирар, ҳамиша отлиқ ёки пиёдани бир чақирим наридан бемалол кўриб, таниб оларди. Ички сезиш ҳиссиёти кучли эди унда.

Бухорода савдо қилиб юриб, кечки пайт карвонсаройнинг кичик хонасида молларини тахлаб ўтирганда бир баҳайбат афғон йигити ҳужрага индамасдан кириб келди-да, миқ этмасдан унинг нарсаларидан танлаб ола бошлади. Абдурахмон йигитнинг белидаги ханжарга анча вақт тикилиб турди. Ниҳоят йигит танлаб олган молларини олиб чиқиб кетишга чоғланган пайти Абдурахмон унинг орқасидан белини мўлжаллаб тепди. Афғон йигити жойида йиқилганди, бора солиб унинг бўйинини орқасига қайирди. Босқинчининг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. Яна бир лаҳзадан сўнг уни ўлдириб қўйишини англаган Абдурахмон беихтиёр панжаларини бўшатди. Йигит сўкина-сўкина ошиғич тарзда хонани тарк этди. Бу йигирма ёшли Абдурахмоннинг илк бор ўз мулки, эрки учун курашиши эди. Афғон йигитининг шерикларини бошлаб келиши мумкинлигини ҳис қилган Абдурахмон мол-мулкини олиб, кечаси карвонсаройни тарк этди.

Шу-шу отасининг эрк, озодлик ҳақидаги гаплари Абдурахмоннинг қулоқлари остида тез-